

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2021 йил 6 ноябрь, № 237 (8017) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН ЕТАКЧИЛАРИ ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 ноябрь куни Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Суҳбат аввалида Озарбайжон Президенти давлатимиз раҳбарини мамлакатимизда ўтган Президент сайловида ишончли ғалаба қозонгани билан самимий қутлаб, Ўзбекистон халқининг фаровонлиги ва равнақини таъминлаш борасидаги фаолиятига катта муваффақиятлар тилади.

Ўзбекистон етакчиси, ўз навбатида, Озарбайжон раҳбари ва биродар халқини яқинлашиб келаётган миллий байрам — Ғалаба куни билан самимий муборакбод этиб, тинчлик-осойишталик ва бардавом тараққиёт тилакларини изҳор этди.

Ўзбекистон — Озарбайжон стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Етакчилар ўзаро савдо кўрсаткичлари барқарор суръат билан ўсаётгани, иқтисодиётнинг турли тармоқларида қўшма лойиҳалар сони ортаётганини катта мамнуният билан қайд этдилар. Жорий йилда Хожиқабул шаҳрида автомобиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани, қишлоқ хўжалиги ва ипакчиликда амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар муваффақиятли кооперацияга мисол экани таъкидланди.

Келгуси ойда Боку шаҳрида Ўзбекистоннинг миллий саноат кўргазмаси ўтказилади. Ҳукуматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенгашининг навбатдаги йиғилишларига тайёргарлик кўрилмоқда.

Транспорт-коммуникация соҳасидаги ҳамкорлик, шу жумладан, пойтахтлар ўртасидаги авиақатновларни тиклаш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ва Озарбайжон ҳудудида қўшма маданий-гуманитар тадбирларни мунтазам ўтказиб туриш муҳим экани қайд этилди.

Президентлар минтақавий ҳамкорликнинг энг муҳим жиҳатлари, шу жумладан, Туркий кенгашнинг бўлажак саммити кун тартиби юзасидан фикр алмашдилар. Олий даражадаги учрашувлар режаси кўриб чиқилди.

**ЎзА.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИ ҚЎШМА МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Ўзбекистон Республикаси сайланган Президентининг лавозимига киришишига бағишланган қўшма мажлиси 2021 йил 6 ноябрь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг янгидан барпо этилган катта мажлислар залида бўлиб ўтади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати**

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

## «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 24 сентябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2021 йил 21 октябрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 25 декабрда қабул қилинган **«2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»**ги ЎРҚ–657-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил № 1, 4-модда, № 7, 658-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-илованинг**:

**I позицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **I.** | **Жами давлат мақсадли жамғармалари –** | **3 757 759,0** | **27 999 898,6** | **14 557 435,7** | **41 226 950,3** | **5 088 143,0** |

»;

**2, 3** ва **4-позициялари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 2. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғарма | | | 273 000,0 | 273 000,0 | |
| 3. | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси | 2 400 000,0 | 25 296 000,0 | 12 874 000,0 | 36 487 000,0 | 4 083 000,0 |
| 4. | Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси | 4 000,0 | 285 000,0 | 477 000,0 | 759 000,0 | 7 000,0 |

»;

**(Давоми 2, 3-бетларда).**

**Сенатор ва ҳаёт**

## ОПА-СИНГИЛЛАРИМИЗ УЧУН ЯРАТИЛГАН ШАРТ-ШАРОИТ ЎРГАНИЛМОҚДА

*Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ҳузурида тузилган ишчи гуруҳи Фарғона вилоятида хотин-қизлар жамоатчилик кенгашлари фаолиятини таҳлил этиб, уларга услубий-амалий ёрдам кўрсатиш бўйича ўрганишлар олиб бормоқда.*

Шу муносабат билан ташкил этилган йиғилишда Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари М. Парпиев, ишчи гуруҳ аъзолари, халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши депутатлари, маҳаллий Кенгашларнинг ёшлар, хотин-қизлар ва гендер тенгликни таъминлаш бўйича доимий комиссиялари аъзолари қатнашди.

Қайд этилганидек, ишчи гуруҳ томонидан вилоятда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги роли ва фаоллигини ошириш, муаммоларини ўрганиш, ёрдамга муҳтож ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган, жумладан, ногиронлиги бўлган хотин-қизларга ўз вақтида ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш, тадбиркорлик ва ҳунармандчиликка кенг жалб этишда жамоатчилик кенгашлари томонидан амалга оширилаётган ишлар ўрганилаётгани маълум қилинди.

Шунингдек, Республика хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши баёнлари ижросини ўрганиш кўзда тутилган.

## ИЖТИМОИЙ СОҲА ОБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ҚАНДАЙ?

*Жиззах вилояти халқ депутатлари Зарбдор тумани Кенгашининг навбатдан ташқари йиғилиши бўлиб ўтди.*

Унда Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги ва экология қўмитаси раиси ўринбосари Р. Сиддиқов ҳамда сенатор Х. Алимова парламент юқори палатаси йигирманчи ялпи мажлисида кўрилган масалалар мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида атрофлича маълумот берди.

Ўз навбатида, ҳудудда экологик ҳолатни янада яхшилаш, дарахтлар муҳофазасини йўлга қўйиш ҳамда яшил майдонларни кенгайтириш чора-тадбирларини самарали амалга ошириш масалалари кенг муҳокама қилинди.

Шундан сўнг сенаторлар иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳа объектларидан фойдаланиш бўйича ишларни ўрганиш мақсадида тумандаги “Зарбдор Дон” АЖ тасарруфидаги ун тегирмони фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Маълум бўлишича, тегирмон 2020 йил декабрь ойида 1,12 миллион долларлик хорижий инвестиция ҳисобига ишга туширилган. Бу ерда кунига 150 тонна буғдойни ишлаш имконияти мавжуд бўлиб, 41 нафар киши меҳнат қилмоқда. Шу йилнинг иккинчи чорагида корхона қошида қоп ишлаб чиқариш цехи ҳам ишга туширилиб, “аёллар дафтари”, “темир дафтар” ва “ёшлар дафтари”га киритилган 15 нафар фуқаро ишга қабул қилинган. Корхонада ходимларга зарур шароитлар яратилган.

Сенаторлар тумандаги бошқа ижтимоий соҳа объектлари билан ҳам танишди.

**«Халқ сўзи».**

## ИСЛОҲОТЛАР ЮҚОРИ СУРЪАТДА ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

*Яқинда юртимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини очиқлик, ошкоралик, адолат ва демократия тамойиллари асосида ўтказдик. Барча номзодларнинг сайловолди дастурларини кузатарканмиз, уларда янги Ўзбекистонни қуриш, мамлакатда осуда ва эркин, обод ва фаровон ҳаётни барпо этиш ғоялари мужассам эканлигига гувоҳ бўлдик. Халқимиз эса ўзи ишонган ва севган, ўзининг куч-ғайратини жонажон Ватанимизнинг буюк келажаги учун сафарбар қилган, дунё ҳамжамиятида катта ҳурмат қозонган Шавкат Мирзиёевга яна ишонч билдирди.*

**Нуқтаи назар**

Бу бежиз эмас, албатта. Сўнгги беш йилда диёримизда ҳам, одамлар ҳаётида ҳам улкан янгиланишлар бўлаётганлигини кўриб, ҳис этиб турган халқимиз бу ислоҳотлар давом этиши, турмушимиз янада кўркам бўлишини истаганликлари учун ҳам ана шу ислоҳотлар бошида турган инсонга овоз берди.

Узоққа бормайлик, Президентимиз ташаббуси билан бундан беш йил аввал қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси доирасида қандай улкан ишлар, бунёдкорликлар амалга оширилгани ҳеч кимга сир эмас. Бугун эса ушбу ислоҳотларни изчил давом эттирган ҳолда, янги Ўзбекистонни барпо қилиш йўлидан дадил одимлаяпмиз.

Шу хусусда сўз кетганда, бундан беш йил илгари бўлган бир воқеа доимо ёдга тушаверади. Пойтахтимизда ўтказилган халқаро анжуманлардан бирида чет эллик меҳмон вақтли матбуотимизни кузатишини, уларнинг ҳар бир сонида Президент Фармон ва қарорлари кўплаб эълон қилинаётганидан ҳайратда эканини айтиб қолди. Ўшанда биз унга жавобан: “Сиз юртимизга шундай бир пайтда келдингизки, яқинда Президентимизни сайлаб олдик. Етакчимиз бошчилигида халқ хўжалигининг барча соҳаси чуқур таҳлил қилиниб, бугунги замон талаби асосида Ватанимизни тараққий эттиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар рўёбга чиқарилади, давлат дастурлари қабул қилиниб, уларнинг ижросига қатъий киришамиз. Орадан бир-икки йил ўтиб, бу интилишларимиз қандай самара берганлигини кўрасиз”, дедик.

→ 4

## ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКДАН ҲИМОЯЛАШ – УСТУВОР МАҚСАД

*Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) билан ҳамкорликда “2021 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасида хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш ҳамда зўравонликнинг олдини олиш бўйича мажмуавий Миллий ҳаракатлар режаси” муҳокамасига бағишланган ишчи гуруҳ учрашуви ўтказилди.*

**Мулоқот**

Унда Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш, Халқ таълими вазирликлари вилоят бошқармалари, туман, шаҳар бўлимлари вакиллари, ҳудудий реабилитация марказлари, жойлардаги хотин-қизлар ва оилалар билан ишлайдиган нодавлат нотижорат ташкилотлари психологлари, туман психиатрлари, суд-тиббий экспертлари ҳамда бандликка кўмаклашиш марказлари ва Ёшлар ишлари агентлиги ходимлари иштирок этди.

Тадбир гендер зўравонлик ҳолатларига жавобан чоралар кўриш тизими ва механизмини такомиллаштириш, жабрланувчиларга ҳар томонлама хизмат кўрсатиш ҳамда зўравонлик ёки тазйиқ содир этганлар билан профилактик ишларни такомиллаштириш бўйича Миллий ҳаракат режаси учун тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида ташкил этилди.

Муҳокамалар жараёнида иштирокчилар халқаро тажриба асосида ишлаб чиқилган зўравонликнинг олдини олиш бўйича Миллий ҳаракатлар режаси лойиҳаси билан таништирилди. Шунингдек, жабрланувчи ва зўравонликни содир этган шахслар билан ишлашда комплекс ёндашув аҳамияти юзасидан алоҳида тушунтириш берилди.

Тадбир Буюк Британия ҳукуматининг молиявий кўмагида ўтказилди.

**Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.**

## Янги Ўзбекистон ва учинчи Ренессанс: ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМНИНГ РОЛИ

*Тарихдан маълум, баъзи давлатларнинг ўтмишида шундай даврлар бўлганки, бунда узоқ муддатли инқироз ва турғунликдан кейин мустақил равишда барқарор ва тез суръатлар билан иқтисодий ўсиш натижасида илм-фан, таълим, маданият ва санъат ҳар томонлама ривожланишига кенг имкониятлар вужудга келган.*

**Мушоҳада**

Бу, ўз навбатида, мазкур давлатларда халқнинг азалий эзгу қадриятларидан келиб чиқиб, жамият ҳаётини фаровонлаштириш ва инсонни улуғлаш борасида башариятга намуна бўла оладиган даражадаги катта муваффақиятларга эришишга олиб келган. Бундай буюк, юксалиш даврини тарихчилар Уйғониш даври, деб атайди.

Афсуски, аксарият тарихий изланишлар Ғарб олимлари томонидан олиб борилгани туфайли Уйғониш даври Европанинг бир қатор мамлакатларида XV-XVI асрлардаги ривожланишгагина хос деб қаралган. Аслида эса бундай юксалиш даврлари Шарқ давлатлари, хусусан, Хитой, Ҳиндистон ёки Марказий Осиё тарихида ҳам кузатилган бўлиб, улар ҳатто, Европа мамлакатларидаги Уйғониш давридан аввалроқ бўлиб ўтган.

Масалан, бизнинг тарихимиздагина эмас, балки умумжаҳон тарихининг муҳим даврларидан ҳисобланмиш “Маърифий Уйғониш даври” деб номланган IX — XII асрларда ва “Темурийлар Уйғониш даври“ деб номланган XIV — XVI асрларда юртимизда давлатчилик тизими, иқтисодиёт, илм-маърифат ҳамда маданият ҳар томонлама ва тез суръатлар билан ривожланиши глобал миқёсда инсоният тараққиётига катта таъсир кўрсатган воқеликлар қаторида эътироф этилади.

→ 4



Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

# «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**11-позицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| « 11. | Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармаси | 163 138,0 | 206 400,6 | 133 435,7 | 208 752,3 | 294 222,0 »; |

**II позицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| « **II.** | **Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси** | | **5 336 230,6** | | **24 239 490,0** | »; |

2) **5-иловaнинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«2021 йил учун республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари**

млн сўм

| Т/р | Кўрсаткичлар | Сумма |
|---|---|---|
| | **Республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар, жами** | **160 616 670,5** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 85 202 483,9 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 8 613 847,8 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 25 392 997,3 |
| | давлат мақсадли жамғармаларига трансфертлар | 14 557 435,7 |
| | Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи трансфертлар | 10 442 954,9 |
| | қайта тақсимланадиган маблағлар | 25 020 798,7 |
| **1.** | **Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги** | **22 179 243,4** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 19 783 349,0 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 244 107,5 |
| | халқ таълими соҳасидаги ислоҳотларга кўмаклашиш жамғармаси учун ажратилган маблағлар | 146 107,5 |
| | халқ таълими муассасаларини кенг полосали Интернет тармоғига уланишини таъминлаш харажатлари | 98 000,0 |
| | **қайта тақсимланадиган маблағлар** | **510 819,1** |
| | таъмирталаб умумтаълим мактабларида 2021/2022 ўқув йилига қадар қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш, шунингдек уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун харажатлар | 464 719,1 |
| | чет тили ўқитувчиларига дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сотиб олиш учун компенсациялар ажратиш | 46 100,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 1 751 639,6 |
| | Республика мақсадли китоб жамғармасига трансфертлар | 133 435,7 |
| **2.** | **Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги** | **6 520 361,2** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 5 465 405,8 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 1 617 868,0 |
| | мактабгача таълимни ривожлантириш жамғармаси учун ажратилган маблағлар | 110 000,0 |
| | *шу жумладан қайта тақсимланадиган маблағлар:* | |
| | давлат-хусусий шерикчилик асосида ташкил этилган мактабгача таълим муассасаларига субсидиялар | 930 500,0 |
| | болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлаш харажатлари | 57 704,0 |
| | қамров даражаси паст бўлган туманларда мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни молиялаштириш харажатлари | 519 664,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 1 054 955,3 |
| **3.** | **Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги** | **2 989 729,3** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 2 724 058,3 |
| | **қайта тақсимланадиган маблағлар** | **85 471,0** |
| | «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга уларнинг амалиётни ўташи даврида базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида бериладиган ҳар ойлик субсидиялар | 13 271,0 |
| | ётоқхона билан қамраб олинмаган ва уйда ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган талабаларнинг ойлик ижара тўловига субсидиялар | 72 200,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 180 200,0 |
| **4.** | **Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги** | **4 452 738,8** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 2 662 072,1 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 1 089 950,6 |
| | болаларни вакцинация қилиш билан боғлиқ харажатлар | 198 600,0 |
| | юқумли касалликларга, шу жумладан вирусли гепатитларга ташхис қўйиш, улар профилактикаси ва уларни даволаш усулларини янада такомиллаштириш учун харажатлар | 14 180,0 |
| | болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш тадбирлари учун харажатлар | 39 254,0 |
| | аҳолига онкология ёрдамини такомиллаштириш ва онкология хизматини янада ривожлантириш билан боғлиқ харажатлар | 121 682,0 |
| | одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касалликлар тарқалишига қарши курашиш билан боғлиқ харажатлар | 80 020,0 |
| | нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш учун харажатлар | 89 043,0 |
| | нейросенсор карлик ёки заиф эшитадиган болаларда кохлеар имплантатлардан фойдаланган ҳолда операциялар ўтказиш учун харажатлар | 65 124,3 |
| | ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини янада яхшилаш бўйича чора-тадбирларни молиялаштириш учун харажатлар | 62 700,0 |
| | давлат тиббиёт ташкилотлари ҳамда республика аҳолисини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш учун харажатлар | 17 282,0 |
| | республика аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатиш учун харажатлар | 24 550,0 |
| | кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш учун харажатлар | 29 982,8 |
| | репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш учун харажатлар | 4 410,0 |
| | аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, хусусан болаларни микронутриент кукунлари, «А» витамини ва гельминтоз профилактикаси учун махсус препаратлар билан таъминлаш харажатлари | 24 083,0 |
| | давлат тиббий суғуртаси тизимини тажриба-синов тариқасида жорий этиш орқали тиббий хизматлар кўрсатиш ва соғлиқни сақлашни молиялаштиришнинг янги моделларини апробациядан ўтказиш учун харажатлар | 7 700,0 |
| | тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлаш учун харажатлар | 2 000,0 |
| | бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш билан боғлиқ харажатлар | 44,0 |
| | Оролбўйи минтақасини ривожлантириш дастурида белгиланган соғлиқни сақлаш ва аҳоли генофондини асраш учун харажатлар | 8 519,0 |
| | сил ва ўпканинг носпецифик касалликлари тарқалишига қарши курашиш учун харажатлар | 24 583,0 |
| | гематология ва трансфузиология хизматларини ривожлантириш ҳамда онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган шахсларни янада қўллаб-қувватлашга доир харажатлар | 84 940,0 |
| | «Электрон соғлиқни сақлаш» тизимини кенг жорий этиш, ягона миллий стандартлар асосида интеграциялашган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаси мажмуасини яратиш учун харажатлар | 28 000,0 |
| | қон ва унинг таркибий қисмлари донорлигини ривожлантириш учун харажатлар | 2 253,6 |
| | малакали хорижий тиббиёт мутахассисларини жалб этиш учун харажатлар | 6 600,0 |
| | грипп юқтириш ва унинг оғир асоратлари билан курашиш учун харажатлар | 2 400,0 |
| | онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари | 126 000,0 |
| | оналар ва болалар, репродуктив ёшдаги аёллар саломатлигини сақлаш учун зарур дорилар ва тиббиёт воситалари («К» витамини, сурфактант ва бошқалар) билан таъминлашга доир харажатлар | 26 000,0 |
| | **қайта тақсимланадиган маблағлар** | **377 085,2** |
| | «тиббиёт бригадалари» ташкил этиш, аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиш қамровини кенгайтириш учун харажатлар | 237 600,0 |
| | олис ва бориш қийин бўлган ҳудудларда жойлашган оилавий шифокорлик пунктларига ва оилавий поликлиникаларга ишлаш учун борган шифокорларга бир марталик пул маблағлари ҳамда базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида ҳар ойлик ижара тўлови харажатлари | 4 600,0 |
| | кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун харажатлар | 112 185,2 |
| | дорилар ва тиббий буюмлар хариди учун маблағлар миқдорини ўртача 3 бараварга ошириш билан боғлиқ харажатлар | 22 700,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 1 413 581,5 |
| **5.** | **Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги** | **1 032 303,7** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 735 547,5 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 227 115,2 |
| | маданий мерос объектларини реставрация қилиш ва тиклаш, шунингдек археологик ишлар учун харажатлар | 73 528,2 |
| | давлат буюртмасига асосан миллий кино маҳсулотлари яратиш учун харажатлар | 81 412,0 |
| | давлат театрларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ харажатлар | 8 503,0 |
| | давлат музейларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун харажатлар | 7 900,0 |
| | замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини шакллантириш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини жиҳозлаш учун харажатлар | 55 772,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 296 756,2 |
| **6.** | **Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги** | **302 193,3** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 266 426,9 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 135 928,9 |
| | Олимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш ва қатнашиш учун харажатлар | 110 000,0 |
| | 2021 йилнинг календарь режасига мувофиқ спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари учун харажатлар | 25 928,9 |
| | юриш, югуриш, мини-футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол ва «Workout» спорт турларини оммавийлаштириш ва ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун харажатлар | 0,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 35 766,4 |
| **7.** | **Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги** | **747 894,2** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 743 894,2 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 100 000,0 |
| | Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари | 100 000,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 4 000,0 |
| **8.** | **Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги** | **1 528 029,1** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 214 397,7 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 73 568,0 |
| | кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш учун харажатлар | 73 568,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 1 313 631,4 |
| | шундан: | |
| | аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида ичимлик суви ва оқава сув тизимларини ривожлантириш учун харажатлар | 1 164 631,4 |
| | иссиқлик таъминоти объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш учун харажатлар | 100 000,0 |
| **9.** | **Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги** | **955 954,7** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 835 954,7 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 88 894,0 |
| | зараркунандаларга қарши курашиш ҳамда фавқулодда вазиятларда ҳосилни сақлаб қолишни таъминлаш билан боғлиқ харажатлар | 50 000,0 |
| | қишлоқ хўжалиги корхонасига қишлоқ хўжалик техникасини харид қилиш учун ажратилган лизинг ёки кредит фоизини қоплаш учун харажатлар | 38 894,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 0,0 |
| | Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг Виночиликни ривожлантириш жамғармасига трансфертлар | 40 000,0 |
| | Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармасига трансфертлар | 80 000,0 |
| **10.** | **Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги** | **3 021 068,7** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 1 739 434,7 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 1 330 187,5 |
| | пахта хом ашёси етиштирувчилари томонидан томчилатиб суғоришни жорий этиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун харажатлар | 198 872,0 |
| | *шу жумладан қайта тақсимланадиган маблағлар:* | |
| | мелиорация объектларини таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш учун харажатлар | 329 205,5 |
| | сув насос станцияларининг электр энергияси истеъмоли учун харажатлар | 802 110,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 1 281 634,0 |
| **11.** | **Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги** | **1 139 917,1** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 1 139 917,1 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 1 000 000,0 |
| | республика истеъмолчиларининг эҳтиёжларини таъминлаш учун табиий газни сотиб олиш ва сотишнинг ўртача нархидаги фарқни қоплашга субсидия | 1 000 000,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **12.** | **Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги** | **6 793 884,9** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 3 438 884,9 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 3 355 000,0 |
| **13.** | **Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси** | **45 763,1** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 28 592,1 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 21 570,0 |
| | қўмита тизимидаги таҳлилий лабораторияларнинг моддий-техника базасини такомиллаштириш учун харажатлар | 17 570,0 |
| | ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, чиқиндиларни утилизация қилиш жойлари давлат кадастрларини юритиш учун харажатлар | 4 000,0 |
| | **қайта тақсимланадиган маблағлар** | **1 171,0** |
| | «Судочье-Акпетки» давлат буюртма қўриқхонасини сақлаш харажатлари | 1 171,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 16 000,0 |
| **14.** | **Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси** | **1 282 965,1** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 1 066 265,1 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 1 048 246,3 |
| | геология-қидирув ишларига субсидиялар | 1 048 246,3 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 216 700,0 |
| **15.** | **Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитаси** | **11 834,8** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 11 834,8 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **16.** | **Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги** | **1 068 928,9** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 639 295,3 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 407 804,6 |
| | янги меҳмонхоналар қуриш ва жиҳозлаш учун инвесторлар харажатларининг бир қисмини қоплаш учун харажатлар | 50 000,0 |
| | Олимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш ва қатнашиш учун харажатлар | 70 000,0 |
| | 2021 йилнинг календарь режасига мувофиқ спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари учун харажатлар | 115 904,6 |
| | юриш, югуриш, мини-футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол ва «Workout» спорт турларини оммавийлаштириш ва ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун харажатлар | 72 100,0 |
| | *шу жумладан қайта тақсимланадиган маблағлар:* | |
| | мактабгача таълим ташкилотлари, умумтаълим мактаблари, спорт таълими муассасаларини бирламчи ва зарур спорт жиҳозлари ва анжомлари билан таъминлаш учун харажатлар | 99 800,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 429 633,6 |
| **17.** | **Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси** | **11 922,2** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 11 922,2 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **18.** | **Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси** | **105 839,7** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 85 825,7 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 76 500,0 |
| | суғориладиган ерларни шамол эрозияси ва сув хўжалиги объектларини қум босишига қарши иҳота дарахтзорлари барпо этиш учун харажатлар | 76 500,0 |
| | **қайта тақсимланадиган маблағлар** | **4 614,0** |
| | янги ташкил этилган Ғаллаорол, Когон ҳамда Ургут ихтисослашган давлат ўрмон хўжаликларини молиялаштириш харажатлари | 4 614,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 15 400,0 |

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

| | | |
|---|---|---|
| **19.** | **Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси** | **669 375,1** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 643 088,0 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 583 000,0 |
| | уй ҳайвонларини вакцинация қилиш учун харажатлар | 112 000,0 |
| | чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларга, интенсив усулда балиқ етиштирувчи ва паррандачилик хўжаликларига субсидиялар | 470 000,0 |
| | лалми ва яйлов ер участкаларида томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологияларини жорий этиш учун харажатлар | 1 000,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 26 287,0 |
| **20.** | **Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси** | **7 593,3** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 7 593,3 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **21.** | **Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги** | **17 545,3** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 17 545,3 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **22.** | **Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги** | **1 518,4** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 1 518,4 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **23.** | **Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги** | **7 180,8** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 7 180,8 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **24.** | **Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги** | **737 442,5** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 10 442,5 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| | Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига трансфертлар | 477 000,0 |
| | Жамоат ишлари жамғармасига трансфертлар | 250 000,0 |
| **25.** | **Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси** | **210 499,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 175 499,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 35 000,0 |
| **26.** | **Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги** | **333 842,6** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 83 842,6 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 250 000,0 |
| **27.** | **Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги** | **551 881,4** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 396 781,4 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 268 434,8 |
| | Ўзбекистон Республикасининг хориждаги элчихоналари ва консуллик идораларини сақлаш учун харажатлар | 268 434,8 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 155 100,0 |
| **28.** | **Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги** | **358 453,9** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 358 453,9 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 263 545,6 |
| | Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш учун бюджетдан ажратиладиган маблағлар | 163 545,6 |
| | экспорт қилишда транспорт харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш учун харажатлар | 100 000,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **29.** | **Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги** | **136 127,9** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 136 127,9 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **30.** | **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги** | **145 594,2** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 145 594,2 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **31.** | **Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги** | **480 606,1** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 248 606,1 |
| | *шу жумладан қайта тақсимланадиган маблағлар:* | |
| | Тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг ҳудудий ваколатли офисларини молиялаштириш харажатлари | 24 497,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 32 000,0 |
| | Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига трансфертлар | 200 000,0 |
| **32.** | **Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги** | **67 264 668,1** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 9 679 138,8 |
| | шундан: | |
| | аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурларини молиялаштириш учун харажатлар | 2 409 000,0 |
| | давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича фоиз тўловлари учун харажатлар | 2 596 071,0 |
| | бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўйича ижтимоий харажатлар | 4 512 752,7 |
| | болали оилаларга нафақа, болани парвариш қилиш нафақаси ва моддий ёрдам тўлаш бўйича Халқ банки бўлинмалари (филиаллари) хизматларига ҳақ тўлаш учун харажатлар | 22 790,9 |
| | Молия вазирлиги ва унинг тузилмасидаги ташкилотларнинг жорий харажатлари ва бошқалар | 138 524,2 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 10 274 735,9 |
| | *шу жумладан қайта тақсимланадиган маблағлар:* | |
| | эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларининг инфратузилмасини ривожлантириш учун харажатлар | 1 500 000,0 |
| | давлат-хусусий шериклик шартлари асосида лойиҳаларни амалга оширишни молиялаштириш учун харажатлар | 200 000,0 |
| | Оролбўйи минтақасини ривожлантириш дастури учун харажатлар | 200 000,0 |
| | ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурининг тақсимланмаган маблағлари | 228 935,9 |
| | келгуси йиллар учун лойиҳалаш-қидирув ишлари учун харажатлар | 151 000,0 |
| | ишлаб чиқилаётган дастурларни молиялаштириш учун харажатлар | 2 569 800,0 |
| | йилдан йилга ўтувчи объектлар қийматини жорий нархларга ўтказиш учун харажатлар | 300 000,0 |
| | туризм объектлари атрофидаги ер майдонлари, сув ва йўл инфратузилмаларини яхшилаш учун харажатлар | 910 000,0 |
| | аҳоли пунктларида ичимлик суви таъминотини яхшилаш учун харажатлар | 1 055 000,0 |
| | аҳоли пунктларида ички йўлларни ҳамда улардаги кўприкларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш учун харажатлар | 2 110 000,0 |
| | «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларининг харажатлари | 1 000 000,0 |
| | **бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига трансфертлар** | **12 874 000,0** |
| | **Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи трансфертлар** | **10 442 954,9** |
| | **қайта тақсимланадиган маблағлар** | **23 993 838,4** |
| | иш ҳақи, пенсия, стипендия, нафақалар миқдорларини ва айрим хизматлар турлари бўйича тарифларни ошириш билан боғлиқ харажатлар | 8 901 629,8 |
| | бюджет ташкилотлари ходимларига ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўлаш билан боғлиқ харажатлар | 414 207,0 |
| | Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига асосан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун харажатлар | 3 000 000,0 |
| | оилавий тадбиркорликни ривожлантириш лойиҳаларини молиялаштириш учун ваколатли банкларнинг устав капиталини ошириш харажатлари | 1 300 000,0 |
| | иш берувчиларга олти ой давомида узлуксиз меҳнат фаолиятини амалга ошириши шарти билан 25 ёшдан ошмаган ходимлар учун тўланадиган ижтимоий солиқ суммаси бўйича харажатлар | 250 000,0 |
| | Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича халқаро ва хорижий ҳукумат молиявий ташкилотлари томонидан берилган, келгусида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан сўндириладиган қарзлар (кредитлар) ҳисобидан амалга оширилган лойиҳалар бўйича қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи тўловлари билан боғлиқ харажатлар | 63 726,0 |
| | етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш учун харажатлар | 30 000,0 |
| | фермер хўжаликлари томонидан истеъмол қилинадиган электр энергияси қийматини қоплаш учун субсидиялар | 444 595,0 |
| | адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун ҳақ тўлаш учун харажатлар | 23 180,7 |
| | аҳоли томорқаларини суғориш мақсадида ер ости сувларини чиқариш учун қудуқларни бурғулаш харажатларининг бир қисмини қоплашга субсидиялар | 24 800,0 |
| | «Аёллар дафтари» ва «Темир дафтар»га киритилганларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг кредит фоизларини қисқартириш ва ушбу йўналишда «оғир» туманлар ва маҳаллаларга маблағ ажратиш учун захирани шакллантириш харажатлари | 200 000,0 |
| | ижтимоий нафақалар олувчи шахслар сонининг ошиши билан боғлиқ харажатлар | 600 000,0 |
| | коронавирус пандемиясига қарши курашиш ва вакцина сотиб олиш учун харажатлар | 4 266 500,0 |
| | оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларини молиялаштириш | 1 500 000,0 |
| | сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни қўллаб-қувватлашга субсидиялар | 920 000,0 |
| | «Янги Андижон» шаҳарчасини барпо этиш ва Андижон вилоятида тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини молиялаштириш харажатлари | 1 284 000,0 |
| | Сирдарё вилоятида сув тошқини талафотларини бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни молиялаштириш харажатлари | 128 500,0 |
| | маҳаллалар ҳудудини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва маҳаллалар қиёфасини яхшилаш ишларини амалга ошириш харажатлари | 400 000,0 |
| | туман бюджети харажатларининг 5 фоизини жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштириш харажатлари | 92 700,0 |
| | маҳаллий бюджетлардан амалга ошириладиган соғлиқни сақлаш соҳасидаги лойиҳалар ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тадбирлари билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш | 150 000,0 |
| **33.** | **Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси** | **1 196 092,8** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 1 167 092,8 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 29 000,0 |
| **34.** | **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** | **2 186 691,7** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 1 400 535,5 |
| | шундан: | |
| | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси | 903 388,4 |
| | **қайта тақсимланадиган маблағлар** | **47 800,0** |
| | Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг ҳудудий бўлимларини сақлаш харажатлари | 47 800,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 465 356,2 |
| | Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармага трансфертлар | 273 000,0 |
| **35.** | **Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси** | **1 433 445,9** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 566 705,9 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 20 000,0 |
| | Ўзбекистон Республикасининг Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси учун ажратилган маблағлар | 20 000,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 724 240,0 |
| | «Эл-юрт умиди» жамғармасига трансфертлар | 142 500,0 |
| **36.** | **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати** | **38 469,7** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 38 469,7 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **37.** | **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси** | **199 627,3** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 182 627,3 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 17 000,0 |
| **38.** | **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)** | **3 977,3** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 3 977,3 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **39.** | **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси** | **1 375 576,7** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 1 058 576,7 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 317 000,0 |
| **40.** | **Ўзбекистон Республикаси Олий суди** | **838 882,7** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 763 882,7 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 75 000,0 |
| **41.** | **Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди** | **6 511,7** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 6 511,7 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **42.** | **Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий кенгаши** | **23 261,2** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 20 261,2 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 3 000,0 |
| **43.** | **Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги** | **25 431,2** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 15 431,2 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 10 000,0 |
| **44.** | **Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси** | **304 199,7** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 304 199,7 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 0,0 |
| **45.** | **Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси** | **427 144,1** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 377 144,1 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 50 000,0 |
| **46.** | **Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги** | **26 693,9** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 20 299,7 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 6 394,2 |
| **47.** | **«Ўзархив» агентлиги** | **8 419,2** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 8 419,2 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **48.** | **Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси** | **2 160,6** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 2 160,6 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **49.** | **Республика Маънавият ва маърифат маркази** | **80 464,9** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 80 464,9 |
| | *шу жумладан қайта тақсимланадиган маблағлар:* | |
| | ҳудудий марказларда иш ҳақининг оширилиши билан боғлиқ харажатлар | 8 766,7 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **50.** | **Гидрометеорология хизмати маркази** | **128 124,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 117 124,0 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 17 126,8 |
| | Гидрометеорология хизмати марказининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун харажатлар | 17 126,8 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 11 000,0 |
| **51.** | **Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази** | **9 644,1** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 9 644,1 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **52.** | **Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги** | **317 906,8** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 317 906,8 |
| | *шу жумладан қайта тақсимланадиган маблағлар:* | |
| | ҳудудий бўлинмаларнинг кўп йиллик иш стажига эга бўлган ходимларига ҳақ тўлашга доир харажатлар | 17 400,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **53.** | **Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги** | **370 890,3** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 283 390,3 |
| | *шу жумладан қайта тақсимланадиган маблағлар:* | |
| | фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг иш ҳақини ошириш билан боғлиқ харажатлар | 94 500,0 |
| | «Темир дафтар»га киритилган оилаларнинг 18 ёшгача бўлган ҳар бир фарзанди учун бир марталик моддий ёрдам бериш харажатлари | 91 000,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| | Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасига трансфертлар | 87 500,0 |
| **54.** | **Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси** | **120 000,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 120 000,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **55.** | **Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси** | **257 659,9** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 222 473,9 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 35 185,9 |
| **56.** | **Бошқа ташкилотлар** | **26 122 494,2** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 24 610 694,2 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 1 511 800,0 » |

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли орасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 5 ноябрь
№ ЎРҚ—727

## Янги Ўзбекистон ва учинчи Ренессанс:

# ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМНИНГ РОЛИ



1 Ушбу икки даврда диний билимлар билан бир қаторда, аниқ ва табиий фанлар — математика, астрономия, география, геология, минералогия, тиббиёт, адабиёт ва санъат ҳам шу даражада равнақ топдики, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний билан бирга Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Умар Ҳайём, Мирзо Улуғбек, Абу Наср Форобий, Алишер Навоий, Камолиддин Беҳзод каби юртимизнинг буюк вакиллари бутун жаҳонда инсоният равнақига ниҳоятда катта ҳисса қўшган алломалар қаторида эътироф этилади.

Тарихимизнинг умумжаҳон миқёсида бундай катта эътибор қозонган даврлари, ўша пайтларда буюк ватандошларимиз томонидан амалга оширилган ишларни мушоҳада қилар эканмиз, буларнинг барчаси юртимизда қудратли давлат яратиб, уни ҳарбий ва иқтисодий жиҳатдан юксалтирган, илм-фан, таълим, маданият ва санъатни ривожлантиришга катта эътибор бериб, ушбу масалаларни давлат ривожланишининг биринчи навбатдаги муҳим вазифаси деб қараган ҳукмдорлар билан бевосита боғлиқлигини англаймиз. Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар давлатининг бутун дунёга танилиши бунинг ёрқин мисолидир.

Ўзбекистон, мана ўттиз йилдирки, ўз истиқлолига эришиб, мустақил ривожланиш йўлидан дадил бормоқда. Бундай тарихан қисқа даврда у ўзининг мустақил давлатчилигини шакллантирди, иқтисодиётнинг барча соҳаси мустақил ишлаши учун зарур шарт-шароитларни яратди, хорижий давлатлар билан ўзаро тенглик асосидаги муносабатларни ўрнатди.

Айниқса, сўнгги беш йилда мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ва изчил иқтисодий-сиёсий ислоҳотлар, ижтимоий-маънавий соҳадаги ўзгаришларни таҳлил қиладиган бўлсак, ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг мустақил ривожланишида янги давр бошланяпти деган, хулосага келинади.

Янги Ўзбекистон деб номланган мамлакатимиз тараққиётининг янги даврида таълим-тарбия, илм-фан, маданият-маърифат, тиббиёт, спорт каби ижтимоий соҳаларни изчил ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишлари этиб белгиланди. Энг муҳими, бундай ўзгаришлар замирида инсон манфаати, халқ фаровонлигини ошириш мақсади турибди.

Аҳолининг турли қатламлари, ҳудудларда яшовчи фуқароларнинг турмуш тарзи, ҳаёт даражасини яхшилаш амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг асосий мезони этиб белгиланди. Мамлакатимизда барча соҳадаги ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминловчи асосий механизм сифатида таълим ва илм-фан танланган бўлиб, ҳар томонлама чуқур билимга эга, салоҳиятли ёш кадрларни тайёрлаш, илмий ва инновацион ишланмаларни ишлаб чиқиш жараёнига кенг ҳамда самарали татбиқ этиш орқали миллий иқтисодиётимизни изчил ва юқори суръатлар билан ривожлантириш вазифаси қўйилди.

Ўзбекистоннинг янги даврида равнақ топтиришнинг "драйвер"и сифатида таълим ва илм-фаннинг танланиши мамлакатимиз дунёдаги энг илғор давлатлар билан бир қаторда "билимлар иқтисодиёти" ёки "билимлар жамияти"ни яратишга қарор қилганлигини англатади.

Айнан шу мақсадда сўнгги йилларда мамлакатимизнинг таълим ва тадқиқот тизими чуқур ислоҳ қилиниб, илғор хорижий тажриба ва халқаро ҳамкорлик асосида ишлар қайтадан ташкил этилмоқда. Таълим ташкилотларининг фаолияти, ўқув дастурлари тайёрлайдиган мутахассислар реал иқтисодиётдаги бозор талабларидан келиб чиқиб қайтадан кўриб чиқилмоқда.

Институт ва университетларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, хорижий мамлакатларнинг нуфузли олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари доирасида янги касблар бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилаётгани эртанги кунда ёшларимизнинг янги-янги марраларни забт этишига, уларнинг юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишига замин яратади.

> ***Охирги беш йилда ёшларни олий таълим билан қамраб олиш сезиларли даражада ошиб, 2021 йилда 28 фоизга етказилди. Жумладан, 10 та нодавлат, 20 та хорижий олий таълим муассасалари филиаллари очилди. Хорижий университетлар филиаллари 26 тага етказилди. Олий таълим муассасалари сони 64 тадан 141 тага етказилиб, қабул ўринлари 66 мингтадан 181 мингтага оширилди.***

Шу жиҳатдан мамлакатимизда бир қанча ривожланган давлатлар университетларининг филиаллари очилди ва бу жараён давом этмоқда. Олий таълим ислоҳотларининг маҳсули сифатида мамлакатимизда олий маълумот олмоқчи бўлган ҳар қандай фуқаро учун кенг имкониятлар эшиги очилди. Аниқроқ айтганда, ёшидан қатъи назар, олий маълумотни кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклида олишга шароит яратилди.

Охирги беш йилда ёшларни олий таълим билан қамраб олиш сезиларли даражада ошиб, 2021 йилда 28 фоизга етказилди. Жумладан, 10 та нодавлат, 20 та хорижий олий таълим муассасалари филиаллари очилди. Хорижий университетлар филиаллари 26 тага етказилди. Олий таълим муассасалари сони 64 тадан 141 тага етказилиб, қабул ўринлари 66 мингтадан 181 мингтага оширилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини, авваламбор, ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилда ногиронлиги бўлган ёшлар учун 3 минг 155 та, Меҳрибонлик уйлари ва Болалар шаҳарчалари тарбияланувчилари учун 1 минг 580 та, кам таъминланган оилаларга мансуб хотин-қизлар учун 2 мингта қўшимча қабул квоталари давлат гранти сифатида ажратилди.

Албатта, мамлакатимизда таълим соҳасига бу даражада катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки тараққиёт илмга асосланади. Ўтган давр мобайнида мазкур соҳани ривожлантиришга қаратилган 100 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида"ги, "Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида"ги, "Таълим тўғрисида"ги қонунлар соҳа ривожига хизмат қилмоқда.

Шу нуқтаи назардан, учинчи Ренессанснинг таянч устунлари сифатида боғча тарбиячилари, мактаб ўқитувчилари, олий таълим ташкилотларининг профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимлар кўрсатилганидан ҳам айнан таълим ва илм-фан янги Уйғониш даври яратувчиларини тарбиялашини англаймиз.

**Эркин ЗОҲИДОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси.**

# ИСЛОҲОТЛАР ЮҚОРИ СУРЪАТДА ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

1 Дарҳақиқат, бундан беш йил аввал давлатимиз раҳбари бошчилигида бутун халқимиз ислоҳотларга жиддий бел боғлади. Биргина мисол: айтиб ўтилган Ҳаракатлар стратегияси доирасида 300 га яқин қонунлар, 4 мингдан зиёд Президент Фармон ва қарорлари қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилди. Бу тезда ўз натижасини бера бошлади. Буни нафақат биз, балки хорижлик экспертлар ҳам эътироф қилмоқда.

Аниқроқ айтганда, хорижий экспертлар, сиёсатчи ва иқтисодиётчилар Ўзбекистон Президенти ташаббуси ва раҳбарлигида мамлакатимизда амалга оширилган тарихий аҳамиятга эга 15 та муҳим ислоҳотга юқори баҳо берган.

Бу ислоҳотлар янги Ўзбекистонни қуришда мустаҳкам пойдевор бўлди.

**Шундай экан, уларни яна бир бор ёдга олиб ўтиш ўринлидир:**

- *Марказий Осиёда янги қўшничилик муносабатлари ўрнатилди;*
- *валюта бозори эркинлаштирилди, нақд пул билан боғлиқ муаммолар бартараф этилди;*
- *давлат хизматлари марказлари очилиб, бюрократик ғовлар олиб ташланди;*
- *туризмни ривожлантириш мақсадида 90 та мамлакат учун визасиз режим, 48 та давлат фуқаролари учун визасиз транзит тартиби жорий этилди;*
- *инсон ҳуқуқлари кафолатлари кучайтирилди, мажбурий меҳнатга барҳам берилди;*
- *аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, давлат органларининг очиқлиги бўйича янги тизим йўлга қўйилди;*
- *медиамуҳит кенгайтирилиши билан ОАВнинг жамиятдаги, муҳим қарорларни қабул қилишдаги роли оширилди;*
- *гендер сиёсати янги босқичга олиб чиқилди ҳамда гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия тузилди;*
- *олий ўқув юртларига қабул квоталари оширилди ва хорижий ОТМ филиаллари очилди;*
- *тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш ва уни юритиш жараёнлари соддалаштирилди;*
- *камбағаллик расмий тарзда тан олинди ва уни қисқартириш бўйича комплекс ёндашув шакллантирилди;*
- *коррупцияга қарши курашиш борасида ҳуқуқий ва институционал ўзгаришлар амалга оширилди;*
- *ёшларни қўллаб-қувватлашнинг янги тизими жорий этилди;*
- *Ўзбекистонда 15 йил давомида яшаб келаётган фуқаролиги бўлмаган шахсларга тўғридан-тўғри фуқароликни бериш тартиби ўрнатилди;*
- *Орол денгизининг қуриган ўрнида ўрмонлар барпо қилинди. БМТ шафелигидаги Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди ишга туширилди. БМТ Бош Ассамблеясининг "Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш тўғрисида"ги махсус резолюцияси қабул қилинди.*

Бу ислоҳотлар самарасини бугун халқимиз ўзининг ҳаёти мисолида ҳис этиб турибди. Энг муҳими эса ушбу ислоҳотлар бундан кейин янада юқори суръатда олиб борилади. Зеро, Президентнинг яқинда нашрдан чиққан "Янги Ўзбекистон стратегияси" китобида бу ҳақда аниқ-тиниқ қилиб ёзиб қўйилган. Китобда 7 та асосий йўналиш белгиланган бўлиб, улар доирасида мамлакат ҳаётига тегишли соҳаю тармоқлар қамраб олинган.

Аминмизки, давлатимиз раҳбари етакчилигида ушбу вазифаларни ҳам уддалаб, Ўзбекистонни янада тараққий эттирамиз, халқимиз фаровонлигини бундан-да яхшилаймиз. Бу эзгу ишда биз, сенаторлар Президентимиз ҳамда халқимизга елкадошмиз.

**Ботир МАТМУРАТОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.**

## Тадқиқот

*Самарқанд халқаро аэропорти ҳудудини кенгайтириш мақсадида қўшимча ер майдони ажратилиб, қазиш ва қурилиш ишлари олиб борилиши жараёнида мармар қабртошлар топилди.*

# ҲАР ҚАРИЧ ТУПРОҒИДА ТАРИХ ЯШИРИН

Қабртошлар ҳозирги вақтда Ўзбекистон Фанлар академияси Самарқанд археология институти ҳамда Самарқанд давлат университети тарих факультети профессори Дилфуза Жўрақулова бошчилигида тадқиқотчилар Муҳаммад Бузруков ва Алишер Сандибоев томонидан ўрганилмоқда. Қабртошлардаги ёзувлар ўқиш учун тозаланди ва дастлабки маълумотлар аниқланди.

Биринчи қабртош сандиқ шаклида бўлиб, оқ мармардан ишланган ва ўлчами — узунлиги 154, эни 50, баландлиги 34 сантиметр. Тошнинг усти ҳамда ён томонларига муқаддас Қуръони каримнинг Бақара сураси 254, 256 оятлари туширилган. Қабртошда Оқила биби, деган ёзув мавжуд. Тошнинг айрим қисмлари яхши сақланмаганлиги учун марҳумнинг дафн этилган вақти ва тўлиқ исми-шарифи ҳақида маълумот олиш қийин бўлмоқда.

Иккинчи қабртош ҳам сандиқ шаклида бўлиб, қора мармар тошдан ишланган, узунлиги 116, эни 37 ва бўйи 25 см. Қабртошнинг исм-шариф ёзилган томони синганлиги учун кимга тегишлилиги бўйича ҳозирча аниқ маълумот мавжуд эмас. Тошда ҳижрий 1049 йил санаси битилган. Ҳозирги кунда тадқиқот ишлари давом этмоқда ва унинг якунида бу борада аниқ хулоса берилади.

Қабртошлар Самарқанд ўлкашунослик музейига етказилиши кўзда тутилаётир.

— Самарқанд шаҳрининг ҳар бир қарич ерида тарих яширин, — дейди университетнинг тарих факультети декани Дилфуза Жўрақулова. — Шонли ўтмишдан сўзловчи осориатиқаларнинг ҳар бири биз учун қадрли ва азиз. Уларни асраб-авайлаш, топилмалар устида илмий тадқиқотлар олиб боришда университетимизда тажрибали олимлар, ёш илмий тадқиқотчилар етарли. Самарқанд халқаро аэропортидан топилган топилмалар ҳам биз олимларни бефарқ қолдирмайди, эътибор марказимизда бўлади.

Университетининг тарих факультети ўқитувчиси Муҳаммад Бузруковнинг айтишича, дастлабки хулосаларга кўра, қабртош XVIII аср ўрталари, яъни аштархонийлар ҳукмронлиги даврига оид. Бу каби тошлар темурийлар давридан қўйила бошланган, шайбонийлар даврига келиб авж олган.

Тошдаги ёзувлар насих хаттотлик услубида ёзилган, катта тошнинг оғирлиги тахминан 1 тонна, кичкинаси 600 — 700 килограмм атрофида. Бу каби тошларни кўплаб тарихий қадамжолар, масалан, Амир Темур мақбараси, Регистон каби зиёратгоҳларда ҳам учратиш мумкин.

**Самарқанд давлат университети Ахборот хизмати.**

*("Халқ сўзи"нинг навбатдаги сони 7 ноябрь, якшанба куни чиқади).*

# ФАРҒОНАДА «АДАБИЁТ КУНЛАРИ» ЎТКАЗИЛАДИ

***Фарғонада шу йил ноябрь ойининг учинчи ўн кунлигида "Адабиёт кунлари" ўтказилиши режалаштирилмоқда.***

***Адабиёт байрами доирасида таниқли адабиётшунос олим Умарали Норматов таваллудининг 90 йиллиги, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 85 йилллиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир, драматург Сайдали Одилов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган адабий-бадиий кечалар бўлиб ўтади.***

## Маданият

Шунингдек, Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджоннинг хотира кечаси ҳамда риштонлик истеъдодли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Исажон Султон ҳаёти ва ижодига бағишланган ранг-баранг тадбирларни ташкил этиш белгиланган.

"Адабиёт кунлари" тадбирлари Қўқон давлат мусиқали драма театри, Эркин Воҳидов номидаги ижод мактаби, Олтиариқ маданият маркази, Риштон туманида жойлашган Халқаро кулолчилик маркази ҳамда Фарғона шаҳрида бўлиб ўтади.



— Бундай тадбирлар халқимиз, айниқса, баркамол авлодни миллий адабиётимиз намояндалари ижоди билан яқиндан таништириш имконини беради, — дейди таниқли ёзувчи Алишер Ибодинов. — Ишонамизки, адабиётни юксак қадрлайдиган фарғоналиклар бу эзгу ташаббус юртимиз бўйлаб кенг қулоч ёзишида фаоллик кўрсатади.

**Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).**






*Ўзбекистонда 4 ноябрь куни юз берган қум-чанг ҳодисаси 150 йил давомида кузатилмаган.*

*Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази мутасаддилари маълум қилди. Республика ҳудудларидаги чанг-ғубор кескин шамоллар оқибатида юзага келган ва у шамол тўхташи билан 15 — 20 дақиқа оралиғида тарқалган.*

## Табиат

Маълум бўлишича, куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистон ҳудудига Қозоғистоннинг жанубий вилоятлари орқали Урал, Волгабўйи соҳилларидан совуқ ҳаво оқими кириб келди. Шунингдек, Жанубий Қозоғистоннинг марказий ҳудудларида, Чимкент вилояти шимолий йўналишида кучли шамол кузатилди. Қозоғистондан кириб келган кучли шамоллар Жиззах, Навоий, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида ҳам давом этди. Кечга томон Жанубий Қозоғистон томондан эсган шамол Сирдарё вилояти орқали ўз йўналишини Ғарбий ва Жануби-Ғарбий томонга ўзгартирган. Давомли эсган кучли шамол натижасида чўл ландшафтига эга ҳудудларда тупроқ сиртидаги чанг ва қум зарралари ҳавога кўтарилиб, чангли булутни ҳосил қилган. Чангли бўрон йўналиши бўйича аввал Сирдарё вилоятига, кейин Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрининг атмосферасидаги чанг ва ғуборнинг кескин ортиб кетишига сабаб бўлди.

Қозоғистоннинг Чимкент вилояти, республикамизнинг Сирдарё ва Жиззах вилоятларида кўтарилган чангнинг маълум бир қисми атмосферанинг юқори қатламларида қўшни Тожикистоннинг Сўғд вилоятидаги Хўжанд тордараси орқали Қўқон шамоли кўринишида Фарғона водийсига кириб борди.

Шунингдек, мутахассисларнинг прогнозларига кўра республикада жорий йилнинг 12 ноябрь кунига қадар ёғингарчилик (Жанубий вилоятлардан ташқари) кузатилмайди. Демак, атмосфера ҳавосидаги чанг-ғуборларнинг яқин кунлар ичида сақланиб қолиш эҳтимоли мавжуд.

**Шаҳноза ХОЛИҚОВА.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1148. 28 463 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шеркулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.25 Топширилди — 23.20 1 2 3 4 5 6